

TRANSPORT ВОСИТАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА МОТИВ ВА МАҚСАДИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

*ИИБ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси
ўқитувчиси капитан А.А. Адашбаев*

Аннотация: Ушбу мақолада транспорт воситасини олиб қочиш жиноятига ҳуқуқий баҳо беришда жиноят мотиви ва мақсадини аниқлаш ва уларни қўллаш юзасидан тавфсиялар берилган.

Калит сўзлар: Транспорт воситаси, транспорт воситаларини олиб қочиш, айб, мотив, мақсад, квалификация, ғараз мақсад.

Шахснинг содир этган қилмишига рухий муносабати тавсифига биноан, жиноятнинг субъектив томони мотив ва мақсад (факультатив), айб каби зарурий белгиларни ўз ичига олади.

ЖК 20-моддасига асосан, ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин. Айбнинг ушбу икки шакли ўзаро ақлий ва иродавий белгиларига кўра фарқланади. Улардан айбнинг қасд шакли жиноят субъекти содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаганлиги ва шундай қилмишни содир этишни истаганлиги билан хавфлидир.

Мотив ва мақсад орқали жиноятнинг хусусияти, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, қилмишнинг сабаби, субъектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари белгиланади.

Мотив ва мақсадни тадқиқ этиб В.Н.Кудрявцев мотив ўзида аниқ бир объектга йўналтирилмаган ички қўзғалишни намоён этади. Мақсад эса ушбу мотивни қондириш учун қандай натижага эришиш кераклигини кўрсатади деган ҳулосага келган ¹.

А.И.Рарогнинг фикрича, мотив эҳтиёжлардан келиб чиқади ва маълум даражада мақсадни шаклланишига ҳисса қўшади, мақсад мотив билан биргаликда маълум бир тарзда исталган натижага эришиш истагини келтириб чиқаради².

М.Х.Рустамбоев жиноят мотиви – бу шарт бўлган муайян эҳтиёжлар ва манфаатларнинг анланган ёки анланмаган ички хоҳиш-нияти бўлиб, шахс

¹ Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. М., 1998. С. 101.

² Рарог А.И. Проблемы квалификации преступлений по субъективным признакам. Монография. – Москва.: Проспект, 2018. – 113 с

жиноят содир этишда унга таянади. Айнан мотив олдиндан ўйланган жиноий мақсадга эришиш учун шахснинг тафаккурий ва иродавий ҳолатига таъсир кўрсатади деб ҳисоблайди³.

Юқорида олимлар томонидан билдирилган фикрларда қуйидаги асосий, қарашлар, яъни шахс жиноят содир этиш вақтида аввал мотив пайдо бўлади, сўнгра мақсад шаклланади деган қарашлар мужассам. Фикримизча, мазкур субъектив категориялар бир бирига жуда яқин кўрингани билан, мазмунан ўхшаш эмас ва иродавий жараёни турлича тавсифлайди. Агар мақсад – айбдорнинг у ёки бу эҳтиёжини қондириши учун мўлжалланган қилмишининг ҳаёлий натижаси бўлса, мотив шахсни бирор бир қилмишни содир этиш хоҳишини уйғотади ва аниқ мақсадга йўналтиради. Шундай қилиб, мотив субъектни аниқ бир мақсад қўйишга мажбур қилади.

Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини субъектив томони айбнинг қасд шакли билан ифодаланади яъни шахс ўзганинг транспорт воситасини ноқонуний эгаллаши ижтимоий хавфли эканлигини билади, ўзгани мулкини қонунга хилоф эгаллаш оқибатида жамоат тратибига хавф солади шунунгдек жабрланувчига мулкий зарар етиши мумкинлигига кўзи етади ва шундай зарар етказишни истади. Айбдор томонидан ўз ҳаракатларини ижтимоий хавфлилигини англаш ҳамда оқибатларни юз беришини исташи каби иродавий ва ақлий белгилар мажмуаси транспорт воситасини олиб қочиш жинояти тўғри қасд билан содир этилишини исботи ҳисобланади.

Транспорт воситасини олиб қочиш ЖК 267-моддаси диспозициясида мотив тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Лекин мазкур модданинг иккинчи қисми “г” транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида ўғрилик ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса, шунингдек учинчи қисми “в” транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса, бандларида айбдор шахснинг мақсади кўрсатиб ўтилган.

Бизга жиноят ҳуқуқи фани, адабиётларидан маълумки ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятларида ғаразли мотив ва мақсад талон-торожнинг зарурий белгилари қаторига киритилган. Шу қаторда транспорт воситасини олиб қочиш жинояти ҳам субъект ғаразли мақсадда ҳаракат қилади. Р.Кабуловнинг талончилик диспозициясида талон-торож қилиш атамаси мавжудлиги орқали ўзганинг мулки ғаразли мақсадда ва шу мотив билан ошкора эгалланиши талончилик деб баҳолаш тўғрисида қарашлар шаклланган⁴.

³ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. . –Т.: «Ilm ziyo», 2010., -Б. 199.

⁴ Кабулов Р. Иктисодиёт соҳасидаги жиноятлар: Ўқув қўлланма / Р.Кабулов, А.Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 12 б.

ЖК VIII атамаларнинг ҳукукий маъноси бўлимида «ғаразғўйлик мотиви – содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкӣй йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутилишга интилишда ифодаланган ният» деб таъриф берилган.

Ф.Ф.Абдуқодировнинг фикрича Айбдор дўсти, қариндоши ёки бошқа учинчи шахсларнинг фойда олиши учун ҳаракат қилганида ҳам ғараз мотив истисно этилмайди. Мотивнинг ўрни фақат қасднинг шаклланишида эмас, жиноий мақсадни тўғри белгилашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Айнан мотив қасдни шакллантиради ва хатти-ҳаракатлар мақсадини белгилайди. Айбдорда ғаразғўйлик мотивини пайдо бўлиши, ғаразли мақсад яъни ўзганинг мулкӣни ўз фойдасига эгаллаш мақсадини пайдо қилади⁵.

Фикримизча, транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг мотиви ғаразғўйлик бўлиб, айбдорнинг кўзланган транспорт воситасини эгаллашга ҳеч қандай ҳукукий асос бўлмагани ҳолда, моддий харажатлардан қутилишга, моддий манфаат олишга ва ноқонуний бойлик орттиришга қаратилган ички интилишида намоён бўлади. Мазкур жиноятнинг субъектив томон жиноят мақсади эса, ғаразғўйлик ниятида ўзганинг транспорт воситасини эгаллашда ифодаланган ғараз мақсад ҳисобланади.

Ғараз мақсаднинг ўзига хос жиҳати, айбдор шахс ўзганинг мулкӣни ўз мулкига айлантириш ва ўз хоҳишича фойдаланиш учун ўрнини қопламаган ҳолда эгаллашида намоён бўлади⁶. Шу сабабли, олиб қочилган транспорт воситаси ўзининг ғараз қилинган ёки ҳақиқӣй деб ҳисоблаган ҳукуқини амалга ошириш оқибатида олиб қочилганда ЖК 267-моддаси таркиби мавжуд бўлмайди. Чунки, мазкур ҳолатда транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг зарурий белгиси ғаразғўйлик мотиви ва ғараз мақсад мавжуд эмас.

М.Х.Рустамбаев транспорт воситасини олиб қочиш жинояти субъектив томондан туғри қасд билан, талон-торож қилиш мақсадисиз амалга оширилишни, транспорт воситаларини олиб қочиш билан боғлиқ қилмишларни тўғри квалификация қилиш учун жиноятнинг мотивлари ва мақсадларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикирни илгари сурган⁷.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сон қарорининг учинчи бандида транспорт воситасини ўғирлаш мақсадисиз олиб қочиш фақат тўғри қасд билан амалга оширилиши келтириб ўтилган. Шу

⁵ Ф.Ф.Абдуқодиров Талончиликка қарши курашишнинг жиноят-ҳукукий чораларини такомиллаштириш Юрид. фан. бўй. фал. док (PhD). ... дис. – Т., 2022. –Б.94

⁶ Владимир В.А., Ляпунов Ю.И. Ответственность за корыстное посягательство на социалистическую собственность. –М., 1986. – С.52; Зотов В., последствия хищений и их устранение. – Ташкент 1980. – С 56-57.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 503 б.

Ўрида ЖК 267-моддаси биринчи қисми ва иккинчи қисми “г” ҳамда учинчи қисми “в” бандаридаги ўртасидаги ўзаро фарқ транспорт воситасини олиб қочиш мақсадидан келиб қичади. Шу сабабли транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини квалификация қилишда айбдор шахснинг мақсади муҳим ҳисобланади. ЖК 267-моддаси биринчи қисмида айбдор шахсининг мақсади транспорт воситасини талон-тотрж қилиш бўлмай, бундай вазиятда шахс транспорт воситасидан вақтинча эгасининг рухсатисиз фойдаланиш, бир жойдан иккинчи жойга етиб олиш, сайр қилиш ва шу каби бошқа мақсадларни кўзлайди. ЖК 267-моддаси иккинчи қисми “г” бандида транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида ўғрилиқ ёки талончилик йўли билан содир этади. Шунингдек учинчи қисми “в” бандида транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этади.

Юқоридагилардан ҳам кўришиб турибдики норманинг квалификацияон белгиси сифатида жиноятни содир этиш усули ва мақсад муҳим рўл ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сон қарори 3-бандида айбдор транспорт воситасини олиб қочганда талон-торож мақсадини кўзлаган бўлса, унинг ҳаракатлари қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ЖК 267-моддаси иккинчи қисми “г” банди ёки учинчи қисми “в” банди билан квалификация қилиниши лозимлиги ва бундай ҳаракатларни, тегишлича ЖК 164, 166 ёки 169-моддаси билан қўшимча квалификация қитлиш талаб этилмаслиги келтирилган⁸.

Мазкур қарорда транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини квалификация қилиш қондаси келтирилган бўлиб ушбу қондага кўра талон-торож қилиш мақсади мавжуд бўлган ҳолда транспорт воситасини олиб қочса айбдор шахснинг ҳаракатлари ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятлари билан қўшимча квалификация қилинмаслиги лозим.

Фикримизча ушбу ҳолатда айбдор шахснинг талон-торож қилиш мақсади транспорт воситасини олиб қочишдан аввал пайдо бўлиши лозим. Агарда транспорт воситаси олиб қочишдан сўнг ушбу транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсади пайдо бўлса, бундай вазиятда қилмишни жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиниши керак деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ф.Ф.Абдуқодиров Талончиликка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш Юрид. фан. бўй. фал. док (PhD). ... дис. – Т., 2022. –Б.94

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сон қарори 3-банд.
<https://lex.uz/docs/1442544>

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 503 б.
3. Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. М., 1998. С. 101.
4. Рарог А.И. Проблемы квалификации преступлений по субъективным признакам. Монография. – Москва.: Проспект, 2018. – 113 с
5. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. . –Т.: «Ilm ziyo», 2010., -Б. 199.
6. Кабулов Р. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: Ўқув қўлланма / Р.Кабулов, А.Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 12 б.
7. Владимиров В.А., Ляпунов Ю.И. Ответственность за корыстное посягательство на социалистическую собственность. –М., 1986. – С.52; Зотов В., последствия хищений и их устранение . – Ташкент 1980. – С 56-57.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 503 б.